Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши.
8 ДЕКАБРЬ 1969 й.
ДУШАНБА
№ 286 (1047).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



СУРАТДА: «Қизил тонг» фирмасининг илғор тикувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Маъмура Сандова. Комсомол қиз смена нормаларини 120-130 процентга етказиб бажармоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 11-синфни битирган Маъмура ҳозир тўқимачилик институтига кириш ниятида.

● ҒАЛАБА РАПОРТИ

ВАХТА ДАВОМ ЭТМОҚДА

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейига муносиб туҳфа тайёрлаётган 2-ун комбинатининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида

Бугун

ғалаба рапорти берди. Йил бошидан буён 32 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

— Ўн бир ойда планга қўшимча 70 минг тонна сортли ун, 20 минг тонна аралаш озуқа ёки 2 ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди,— дейди комбинат директори А. И. Малиновский.

Ленинча меҳнат вахтасини давом эттираётган аҳил коллектив декабрь ойида планга қўшимча яна 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, бу кўрсаткични 2 миллион 700 минг сўмга етказиш мажбуриятини олди.

Меҳнат зафарларимиз— доҳий юбилейига

ЗАФАР ҚУЧДИЛАР

«Йиллик планни муддатидан илгари —1969 йил 10 декабрда бажарамиз». Бу сатрлар «Средазгипроводхлопок» институти коллективининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятида ёзилган.

Сўзи билан иши бир бўлган ижодкор коллектив

Бугун

мажбуриятни шараф билан оширибгина қолмади. Шу давр ичида 5 миллион 300 минг сўмлик иш бажарилди.

Институт бу йил талай ишларни амалга оширди. Масалан, Сурхондарё областидаги Шеробод каналн ўнг нрмоғининг техника лойиҳаларини тайёрлаб кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этилди.

Институт коллективи тузган бир миллиард 750 миллион кубометр сув сиғадиган Андижон сув омбори ҳамда Қарши чўлида 200 минг гектар суғориладиган ерни ўзлаштириш тўғрисидаги лойиҳаларининг СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланганлигини лойиҳачилар ўзларининг меҳнатида эришган улкан ютуқлари деб билмоқдалар.

КОРХОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Яқинда шаҳардаги саноат корхоналари, муассасалари қошидаги кўнгилли ўт ўчириш командаларининг социалистик мусобақа натижаларига якун ясалди.

Шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг учта биринчи даражали пул мукофоти ҳамда шаҳар ижроия комитетининг эсдалик вимпели самолётсозлик заводига, 1-пойафзал фабрикаси ва «Узсельхозтехника» республика базасига топширилди.

ДОҲИЙ НОМИДАГИ ПРОСПЕКТ

РЕПОРТАЖ

Шаҳримизнинг серқатнов кўчаларидан бўлмиш Самарқанд ва Ленин кўчалари оралиғида энг замонавий проспект барпо этилмоқда. Тошкентликларнинг бўлажак сайилгоҳи, ором олиш боғи қадамба-қадам бормоқдамиз. Собиқ Самарқанд кўчасидан проспектнинг транспорт артериями очиляпти. Чидамли шпаллар устига трамвай ўтадиган излар ётқизилмоқда. Унинг икки томони кафтдек текис бетон йўл. Йўл ёнида теп-текис ва кенг йўлка ҳам бунёд этиляпти.

Девкор машиналар ери ларзага келтириб, гуриллаб ишлаяпти. Ағдарма машиналар шағал ва асфальт қоришмасини пешма-пеш келтириб турибди. Грейдерлар дарҳол уларни ерга ётқизиб бормоқда. Бетон ётқизгич механизм аста одимлайди — бир юришнинг ўзида теп-текис йўл қуриб боряпти. Дақиқа сайин йўл узайиб, кўзга яққолроқ ташланиб бормоқда.

Шуларга маҳлиё бўлиб, қаттакон хиёбон тикланаётган майдондан чиқиб қолибмиз. Салкам бир километр узунликда бирданига иш бошланган. Ҳар ким турли юмуш билан банд. «Таштрансспецстрой» трести 68-қурилиш бошқармасининг шербилаклари, «Висотстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси аъзоматлари ўзаро ҳамкорликда доҳий номидаги хиёбонни тезкорлик билан барпо этмоқдалар.

«Ташгипрогор» лойиҳа институтининг меъморлари чизмалари бу ерда усталар санъати билан кўзга ташланади. Қалашиб кетган, ёшини яшаб бўлган иморатлар бузиб ташланган. Унинг ўрнида ҳақиқий ором олиш боғи ва сайилгоҳ тикланяпти. Қадимги ҳовлиларга салқин бериб турган дарахтлар сақланиб қолибди. Уларнинг чор атрофи мармар плиталар билан ўралиб, завқ бағишлайдиган супачалар ясалмоқда. Уларнинг тўғрисига тартиб билан умри боқий чинор кўчатлари ҳам ўтказилаётир.

Силлиқ бетон плиталардан текис йўлка қурилмоқда. Улар шундай жойлаштирилганки, плиталар оралиғига ташланган тупроқ тагидан кўм-кўк бўлиб чим ўсиб чиқади ва у дам олувчилар кўзини дам тўрт бурчак шаклда ажойиб манзара касб этади. Шу йўлдан бораётиб тўладан келган, иш киймидаги йигитга рўпара келдик. Доҳий номи билан аталадиган хиёбон ҳақида суҳбатлашдик.

— Хиёбон икки томони гулзор йўлка ё йўл бўлгувчи эди,— деди Пётр Васильевич Чертиков вазминлик билан дона-дона қилиб. У шу ерда прораб бўлиб ишларкан. — Бу хиёбон эса ўзига хос бир катта иншоотлар бирикмаси дейиш мумкин. Қани, юринг бўлмаса, танишиб қўя қолинг..

Петр Васильевич йўл-йўлакай гушунтириб борди. Дурадгорлардан Султон Олимшоҳов, Рустам Хидиров, Тўра Исаевлар ишлашаётган ерга келганда бир дам тўхтадик. Худди шу жойда — Туркман бозори яқинида ҳар бири 150 ўринли қишки-ёзги кафе, унинг ёнгинасида чойхона тикланаётир. Сал ўтган ҳам эдикки, болалар шаҳарчаси қурилишининг бугунги манзараси гувоҳи бўлдик.

— Мана бу ерда, — деди прораб, — «Дўстлик» ёдгорлиги қад ростлайди. Оқиш ва қорамтир мармардан барпо қилинадиган катта супада ўрнатиладиган ёдгорлик учун конкурс эълон қилинган.

Жонажон шаҳримизнинг кўркам дарғоҳлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мана, Иттифоқда иккинчи бўлиб қурилаётган В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали. Бу шунчалар катта зиёратгоҳ бўладики, унинг 21 залини айлансангиз, бутун умрини ақлу заковатини инсоният бахт-саодати учун сарфлаган улуғ одамнинг ҳаёти, революцион фаолияти билан батафсил танишиш имкониятига эга бўласиз. Музей филиали ўзбек меъморчилиги анъаналари асосида қад ростламоқда.

Совет Шарқининг порлаган ёркин юлдузи азиз Тошкентимиз кунда бир жило олаётгани билан фахрланишга ҳақлимиз. Яна шу билан хурсандмизки, В. И. Ленин номи билан боғланган дарғоҳлар кўпайиб бормоқда. Ленин майдони, Ленин проспекти, Ленин номли хиёбон, Ленин музейи...

Булар доҳий юбилейига меъморларимиз ва қурувчиларимизнинг муносиб армуғони.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.



Куйбишев районидаги ошхоналар трестига қарашли масаллиқлар тайёрлаш фабрикаси ҳар куни шаҳар аҳолиси учун 8-10 тонна атрофида гўшт, балиқ ва сабзавот масаллиқлари тайёрлаб беради. Ишлаб чиқарилган маҳсулот шаҳарнинг турли жойларидаги махсус масаллиқ магазинларида сотилади.

СУРАТДА: гўшт маҳсулотлари тайёрлаш цехининг пазандаларидан Лидия Коннова ва Полина Зимина ўртоқлар.

ЛОЙИҲАГА МУКОФОТ

Ёш архитекторларнинг бу йилги Бутуниттифоқ конкурси Новосибирскда ўтказилди. Тошкент политехника институти архитектура факультети дипломантлари ҳам бу катта ижодий имтиҳонда қатнашдилар.

Архитектор Б. Бойматов яратган лойиҳа конкурс жюриси аъзолари эътиборини ўзига тортди. Дипломант Тошкент шаҳрининг спорт комплекси лойиҳасини чизган эди. Бу лойиҳага биноан икки хил спорт майдони қуриш тавсия этилади. Усти ёпиқ спорт иншоотн пойтахтнинг Тельман номли маданият ва истироҳат боғи этагида қурилади. Салор анҳори ёқасида эса усти очиқ стадион, волейбол ва теннис майдончалари жойлашади.

Жюри қарори билан бу лойиҳага конкурснинг иккинчи мукофоти берилди.

Тошкентликлар «оқ олтин» Сирдарёга

ЎҚУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Эрталабки линейкада директор кечаги кун йиғим-терим якуни қандай бўлганлигини маълум қилди. Мактаб бўйича 9 «Б» синф ўқувчилари биринчи, 10 «Б» синф ўқувчилари иккинчи ва 10 «А» синф ўқувчилари учинчи ўринни олишибди.

Киров районидаги 63-ўрта мактаб (директори Х. Мирахмедов) юқори синф ўқувчилари шу кунларда Бўка районидаги «Бўка» совхози 3-бўлими далаларида пахтакорларга ёрдам беришяпти. Мактаб ўқувчилари Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозга 20 тонна пахта териб бергач, Бўкага келган эдилар. Бу ерда ҳам ўқувчилар ҳиммат билан ишлашяпти. Уларнинг гайрати туфайли қисқа вақт ичида 5,5 тонна пахта, 60 тонна кўрак терилди.

Шунингдек, Киров районидаги 9, 24, 70, 80-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам Бўка райони пахта далаларида ҳиммат билан меҳнат қилишяпти. Улар республика хирмони тезроқ юксалишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

С. ҲИДОЯТОВ.

Ғолиб чиқишди

Шу кунларда Тошкент маданий-оқартув техникумининг студентлари Сирдарё областининг Еттисой районидаги «Красная звезда» совхозининг 5-бўлим далаларида пахтакорларга мададкор бўлмоқдалар.

Техникум студентларидан 530 кишн бўлим планининг муваффақиятли бажарилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Студентлардан Ҳ. Нурллаев, Қ. Кенжаев, З. Расулова, Л. Петренколар шу кунгача 4—5 тонналаб пахта териб қўйишди.

Совхоз далаларида меҳнат қилаётган шаҳарлик ҳашарчилар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада техникумликлар коллективи ғолиб чиқиб, совхоз маъмурияти таъсис этган Қизил байроқ ва пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

М. МАҲМУДОВ,
техникум ўқитувчиси.


● Санъат хабари

ТАЛАНТЛАР САФАРИ

Яқинда Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг 4-курс студенти, ҳаваскор раққоса Дилором Раҳматиллаева билан тўқимачилар маданият саройининг доирачиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зуҳриддин Муҳиддинов чет эл мамлакатларидан гастролдан келишди.

Ҳамшаҳарларимиз Болгариянинг Тирново, Харманли, София, Хасково, Свилингград каби шаҳарларида бўлиб, ўнлаб концертлар беришди.

Улар Норвегия республикасининг немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган кунининг 25 йиллиги тантаналарида ҳам қатнашдилар. Шимол мамлакатининг Вацо, Вардо, Керкинец, Боцфорт, Хаммердес каби шаҳарларида бўлган концертлар ҳам қизғин ўтди. Раққоса Д. Раҳматиллаева у ерларда «Занг», «Бухорча», «Гулсара», «Катта ўйин», «Пилла рақси» каби рақсларни маҳорат билан ижро этиб, олқишга сазовор бўлди.



53-ўрта мактабда В. И. Ленин музейи ташкил этилган. Стендлардаги турли кўргазмалар доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: музейни безашда фаол иштирок этган 8-синф ўқувчиларидан Наташа Химич ва Слава Костюшко.

В. Бисов фотоси.

● *Шаҳримиз довруғи*

«ТОШКЕНТКАБЕЛЬ»—МОСКВА КЎРГАЗМАСИДА

Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Электротехника» павильонида «Тошкенткабель» заводи маҳсулотлари ҳам намойиш этилмоқда. Завод рационализаторлари В. Глушенков билан А. Сиреновларнинг «Кабель қаршилигини ўлчашда автомат кўприкнинг ёрдами» деган рационализаторлик таклифи москвалиқлар диққатини жалб этяпти. Мана шу таклиф асосида яратилган прибор икки йил олдин ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиб, қувончли самаралар бераётир.

Бугун

БУТУНИТТИФОҚ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИНГ БОШ КОМИТЕТИ ЗАВОД НОВАТОРЛАРИГА КЎРГАЗМА ҚАТНАШЧИСИ ДЕГАН ВА УЛАР НОМИГА ЁЗИЛГАН ГУВОҲНОМАНИ ЮБОРДИ.

КЎЧМА ФОТОКЎРГАЗМА

Ўзбекистон Геология министрлигининг марказий «Геолог» клубида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган кўчма фото кўргазма ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришда геологларнинг хизматлари ёритилган. Кўргазмада Ўзбекистон ҳудудининг геологик тузилиши, ер қаъридаги бойликларнинг ўрганилиши ҳақида сўзловчи материаллар, фотосуратлар, харитлар ва бошқа кўргазмали қуроллар намойиш этилмоқда.

Кўчма кўргазма Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Қўнғирот, Устюрт, Мурунтов, Зарафшон, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида жойлашган геологларнинг клубларида ҳам кўрсатилади.

ТИЛШУНОСЛАР КЕНГАШАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ташаббуси билан шу ойда шаҳримизда турк тиллари бўйича VI Бутуниттифоқ регионал кенгаши бўлади.

Кенгашни ўтказиш бўйича ташкилий комитет раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Ш. Ш. Шоабдураҳмонов.

Кенгашнинг таъкидлашича бу анжуманда турк тилларидаги оригиналлик масалалари ҳам кўрилади. Турк тиллари шеваларининг ўзига хослиги ва уларнинг яқинлиги муҳокама қилинади.

Илмий анжуман бир неча кун давом этади.



СУРАТДА: Чилонзорнинг В-23 кварталидаги янги турар-жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ КУРАШИ

✦ ЛОНДОН.

Шу йилнинг ўн ойи мобайнида Англияда ўтказилган забастовкалар натижасида 5 миллион 707 минг иш куни нобуд бўлганлигини иш билан таъминлаш ва меҳнат унумдорлиги масалаларини шуғулланувчи министрлик маълум қилди. Бу рақам бутун ўтган йил давомида меҳнаткашларнинг забастовка ҳаракатлари натижасида нобуд бўлган иш кунига нисбатан бир миллиондан зиёдроқ кўп.

✦ ПАРИЖ.

Франция электр ва газ саноати ходимларининг умуммиллий забастовкаси тугади. Шу тармоқларнинг меҳнаткашлари иш ҳақини кўпайтиришни ва иш ҳафтасини қисқартиришни талаб қилмоқдалар. Маъмурият касаба союзлар билан музокаралар олиб боришга ва ишчиларнинг талабларини муҳокама қилишга розилик беришга мажбур бўлди.

МАОРИФЧИЛАР ТУҲФАСИ



Октябрь район халқ маорифи ходимлари Сирдарё областининг Еттисой районидаги Ленин номли совхозда фидокорона меҳнат қилишмоқда. 300 дан ортиқ маорифчилар совхоз хирмонига 100 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкдилар.

Шу кунларда тошкентлик ҳашарчилар 10-15 тонна кўсак териб бермоқдалар. Бу ишда Олтин Қурбонов, Сабоҳат Раҳимова, Шоҳида Аҳмедова ва бошқа илғорлар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

Т. РЎЗМАТОВ.

СУРАТДА: Тошкентдаги 139-мактабнинг бош пионер вожатийси Шоҳида Аҳмедова. У ҳар куни 200 килограммдан ошириб кўсак термоқда.

● *Диққат, янгилик:*

«УНЗЕРЕ ЦАЙТ» ШАҲРИМИЗДА

Бугун

шаҳримиз газетхонлари қувончига қувонч қўшилди. Хорижий тиллар мухлислари Ғарбий Германия Коммунистик партиясининг янги легал чиқа бошлаган ҳафталик газетасини ола бошладилар.

Немис коммунистлар партияси органи «Унзере Цайт» («Бизнинг замон») газетаси шу йилнинг май ойидан чиқа бошлаган.

Газетанинг дастлабки сонларида босилган материаллар орасида ГДРнинг 20 йиллиги тантаналари ва Совет Иттифоқи ҳаёти ҳамда халқаро коммунистик ҳаракат тўғрисидаги қизиқарли лавҳалар ўрин олган.

«Унзере Цайт» газетаси Ғарбий Германиянинг Эссен шаҳрида нашр қилиниб, 20 саҳифани ташкил қилади.

Бўлажак инженерлар армуғони

Бугун

механика факультетн Политехника институтида факультетлараро мусобақада биринчи ўринга чиқиб, кўчма Қизил байроқни олди.

Факультет ҳозиргача эл хирмонига 550 тонна «оқ олтин» тўкди. Факультетнинг ғайратли ҳашарчилари пахта термини мавсуми давомида уч марта совхоз кўчма Қизил байроғини ҳам қўлга киритди.

Тоғ-металлургия, геология ва қурилиш факультетлари ҳам факультетлараро социалистик мусобақада олдинда боришяпти. Бўлажак инженерлар Сирдарё область Мирзачўл районидаги «Андижон» ва «Партия XXIII съезди» ҳамда «Самарқанд» совхозларида заршуносларга яқиндан ёрдам беришяпти.

Ҳашарчилар ҳозиргача чўлқуварлар хирмонига 15 минг тоннага яқин дур тўкишди. Бундай улкан хирмоннинг бунёд этилишида А. Тўраев, Ш. Каронов, А. Турсунов каби студентларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ИШИМИЗ

Партия устави коммунистдан марксча-ленинча назарияни қунт билан тўхтовсиз эгаллаб боришни, ғоявий савияни тинмай оширишни, жамиятимиз кишиларини шакллантириш ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда қатнашишни талаб қилади. Партия ташкилотимиз коммунистларнинг, қолаверса, бутун коллективнинг марксизм-ленинизм назариясини ўрганишга, ғоявий томондан чиниқишга кун тартибига қўйилган асосий вазифа деб қараб келмоқда.

Ғоявий чиниқишнинг бирдан-бир асосий формаси — партия маорифидир. Шунинг учун ҳам биз партия маорифи янги ўқув йилини ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда бошлаб юбордик. Группаларда машғулотларни олиб боруви пропагандист кадрларни танлашга, уларни қайта тайёрлашга энг муҳим иш деб қарадик. Чунки пропагандист партия сиёсий маорифи системасида асосий фигура ҳисобланади. У тингловчилар Маркс, Энгельс, Ленининг ўлмас асарларини ўрганиб олишлари йўлида билимини аямайди. Ҳар бир тингловчида партиявий бурчни бажаришга юксак масъулият билан қараш, ўз касбида бошқаларга ўрнак кўрсатиш ҳиссини тарбиялайди.

Ҳозирги вақтда заводимизда бошланғич сиёсий билимлар ва марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш бўйича иккита группа ташкил қилинган. Бу группаларда ўтаётган машғулотларда 40 дан ортиқ коммунист ва партиясиз активлар иштирок этишяпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ пропагандистларимиз ўзлари раҳбарлик қилаётган группаларнинг тингловчилари билан уч-тўрттадан машғулот ўтказиб қўйишди. Сўнгги бўлиб ўтган машғулотларда тингловчиларимиз КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида» қабул қилган қарорини ўрганиб чиқишди. Савол-жавоб тариқасида ўтган бу машғулотда коммунистлардан Т. Отахонов, К. Турдибоев, С. Зиёева, Г. Қаюмов ва бошқа ўртоқлар активлик кўрсатишди.

Заводимизда ташкил этилган комсомол сиёсий маорифи ўқишларида ҳам эликдан ортиқ ишчи-ёшлар қатнашиб ўз сиёсий билимларини оширмоқдалар.

Биз группаларда ўтказиладиган ҳар бир машғулотни тингловчиларда катта таассурот қолдиришга уларда сиёсий онгни янада юксак савияда бўлишига, коммунистларнинг ғоявий жиҳатдан тўхтовсиз чиниқиб боришига хизмат қилдиришга ҳаракат қиламиз.

Қ. САНФУЛЛАЕВ,
кўн-мўйна заводи партия ташкилотининг секретари.



Сиз суратда кўриб турган Зинаида Петровна Шмакова Тошкент ГРЭСининг марказий бошқарув шчитида навбатчилик қиляпти. З. Шмакова Ўзбекистон энергетика системасида 25 йилдан буён меҳнат қилмоқда.
И. Глуберзон фотоси.

ЭНГ ЯХШИ ЁШ ФРЕЗЕРЧИ

МИНСК. Ёш фрезерчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи конкурси ўтган Минскдаги автомат линиялар заводида шу касбнинг мамлакатдаги энг яхши устасининг номи айтилди. Калинин областининг Ржев шаҳридаги 25 яшар Валерий Белов энг яхши мастер, деб топилди.

Биринчиликда шаҳар, область, зона ва республика конкурсларида юксак баҳо олган юқори классдаги 21 фрезерчи қатнашди. Мусобақа шартларига кўра, ишчи беш соат мобайнида агрегат станок деталларидан бирини тайёрлаб бериши, шунингдек металлга ишлов бериш назариясидан оғзаки имтиҳон топшириши керак эди.

Касаба союзлар саройида Валерий Белов ва конкурснинг бошқа ғолиблари тантанали вазиятда тақдирландилар. (ТАСС).

• Партия ахбороти

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАЙЛИК

Пойтахт область партия комитети ҳисоботи юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси қабул қилган қарор райондаги партия ташкилотлари томонидан қандай бажарилмоқда? Октябрь район партия комитети ушбу қарорда олға сурилган вазифаларни жойларда қай аҳволда бажарилаётганлигига алоҳида эътибор бериб келяпти. Райондаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасалардаги партия ташкилотларн бу борада амалга ошираётган ишлари ҳақида район партия комитети бюроси йиғилишларида ахборот бериб бормоқдалар.

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилиши 159-қурилиш трестининг 9-бошқармаси партия ташкилотининг ҳисоботини эшитди. Партия ташкилоти ва унинг атрофига уюшган актив, бинокорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бир мунча яхшилаганини, коммунистлар ўқуви яхши ташкил қилинганини бюро алоҳида қайд қилиб ўтди. Ютуқлар билан бирга, бюро партия ташкилоти фаолиятидаги қатор камчиликларни ҳам кўрсатиб берди. Партия ташкилоти меҳнат унумдорлигини оширишда коммунистларнинг авангардлик ролига етарли эътибор бермайди. Бу эса бошқарма коллективи томонидан давлат планларини оширib бажарилишда оз бўлса-да, салбий таъсир кўрсатмоқда. Қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлардан фойдаланиш даражаси паст. Бошқарма партия ташкилоти маъмурият хўжалик фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаган. Айрим ҳолларда коммунистлар томонидан партия устави талаблари тўлиқ бажарилмаяпти. Мажлис ва партбюро йиғилишларида қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун партия ташкилоти қатъий кураш олиб бормайди.

Район партия комитети бюроси бошқарма партия ташкилоти фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳар бир коммунистнинг ўзига топширилган ишга бўлган шахсий жавобгарлик ҳиссини оширишга қаратилган тадбирлар белгиладн.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГАГАРИН - ХАУС

Лондоннинг Хаммерстит районидаги «Полскул» номли мактаб дарвозасида катта тахта осилиб турибди. Унда турли рангдаги тўртта лента бор. Қизил лента устига «Гагарин» деб ёзиб қўйилган. Қолганлари устига Ойга биринчи марта учиб борган космонавтларнинг исмлари ёзилган. Ҳар бир лентада кичкина значок. Қизил лентадаги значок бошқалардан юқорироқ туради. Мактабдаги бу ажойиб космик бурчак ҳақида мактаб директори Элвин Харис қуйидагиларни гапириб берди:

«Англиянинг кўпчилик мактабларида клуб ёки бизда айтилишича хаус-лар ташкил этиш ва улэрга машҳур олимлар, саёҳатчилар, маданият арбобларининг номларини қўйиш анъана бўлган. Бу йилги ўқув йили бошида биз ўқувчиларнинг илтимоси билан клубимизни фазога биринчи бўлиб чиққан Юрий Гагарин шарафига «Гагарин— хаус» деб атзшга қарор қилдик.

Болалар мактабга кирган вақтларида у ёки бу клубнинг аъзоси бўладилар ва ўзларининг бутун ўқув йиллари давомида шу клубга мансубликларини сақлаб қоладилар. Клублар ўртасида ўзлэштириш, интизом ва спортда энг яхши кўрсаткичларга эришиш бўйича мусобақа олиб борилади.

—Ҳозир мусобақада Гагарин —хаус аъзолари олдинда боряпти ва Гагарин космосда биринчи бўлганидек ўқишда биринчи бўлиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Мажлислар залига таклиф қилишгач, директорнинг ҳикояси бўлинди. Ўқувчилар анъана бўйича ўз клубларига тўпландилар.

Гагарин — хаус аъзоларига Юрий Алексеевич суратини ва Совет космонавтлари юборган табрикномани тантанали топшириш маросими бўляпти. Мажлислар залининг жимжитлигида клуб раиси Доминик Бёркхэтернинг овози янграб эшитилди.

«Биринчи космонавт Юрий Гагарин суратини олиш бизнинг учун катта шараф. Бизлар унинг табрикнома юборган космонавт ўртоқларининг илтифотидан таъсирландик. Биз бу юксак ишончни оқлаш учун ҳаракат қиламиз,»—деди у.

Англиялик ёш гагаринчилар Совет космонавтининг сурати қўйилган бўлиб ўтиш ҳуқуқини оладилар. Ўғил ва қиз болалар кўкрагида Гагарин —хаус белгиси бўлган қизил значоклар ялтирайди.

Доминик шундай деди:

—Клуб раиси бўлиб ишлаш қийин иш, албатта. Аммо мен болаларнинг мени сайлаганидан учун фахрланаман. Ахир Гагариннинг ким бўлганини ҳамма билади ва ҳамма биринчи бўлишни истайди. Ҳали яқиндагина бизнинг хаусимиз мактаб спорт мусобақаларида биринчи мукофотни олди.

...Бундан буён Лондонда 1712 йилдаёқ асосланган энг кекса мактабларнинг биридв даҳлизининг энг кўзга кўринадиган ерида инсоният учун юлдузларга йўл очган космонавт Юрий Гагарин сурати туради.

А. УГЛОВ,
АПН мухбири.
Лондон.

Меҳнат ва капитал

ОТТАВА. Бу йил Канада ишчилар ҳаракатида иш ташлашлар кўпайган йил бўлди. Меҳнат министрлигининг маълумотларига кўра, шу йилнинг ўн ойи ичида Канадада 457 та иш ташлаш ўтказилди. Канададаги Америка капиталига қарашли энг йирик «Интернейшнл никель компани оф Канада» никель компаниясининг 17 минг ишчиси қатнашган забастовка 4 ой давом этди. «Стил компани оф Канада» ва «Алгомс стил корпорейшн» компаниялари заводларининг 20 минг металлурги уч ой мобайнида қаттиқ туриб забастовка ўтказдилар.

НЬЮ-ИОРК. Дакотадаги (Нейбраска штати) энг йирик гўшт комбинатининг 1200 ишчиси иш ҳақи оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилиб уч ойдан бери кураш олиб боряпти. Ишчиларнинг пойлоқчиларини полиция бир неча бор ҳайдаб юборди. Бу тўқнашувлар вақтида бир қанча забастовкачи яраДор бўлди. Айова штатидаги қассоблар ва қушхона ишчилари Шимолий Америка бирлашган касаба союзининг аъзолари Дакотадаги ўз ўртоқларини қўллаб-қувватлаб чиқмоқдалар. Ана шу касаба союзининг вице раиси Давид Харт Айовадаги қушхона ишчиларига «жиноятчилар ёки қамоқ лагерига ҳукм қилинганлар сифатида қаралмоқда» деди.

НАТО ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙГАН МАМЛАКАТ

АФИНА. Грециянинг ҳарбий ҳаражатлари ва у ердаги полиция-жандарма аппаратини сақлаш учун қилинадиган ҳаракатлар келгуси йилда 9,9 процент ошади. Буни мамлакатнинг Грецня матбуотида эълон қилинган 1970 йилги бюджети кўрсатиб турибди.

ТАСС шарҳчиси В. Сафронов шу муносабат билан қуйидагиларни ёзади:

Грециянинг 1970 йилги давлат бюджетида ҳарбий мақсадларга ва репрессия аппаратини сақлашга бериладиган маблағлар янада кўпайтирилганлиги, Греция ҳарбий режими 1967 йил 20 апрель тўнтаришидан кейин ўзи бошлаган йўлни, яъни мамлакатни ҳарбийлаштиришни кучайтириш йўлини давом эттириш ниятида эканлигини кўрсатиб турибди. Хунта армиясини замонавий қуроллар билан, асосан Америка қуроллари билан таъминлаш ва қайта қуроллантиришга пул аямай мамлакатни НАТО аравасига тағин ҳам қаттиқроқ боғлаб қўймоқда.

Бош министр Пападополос, Греция НАТОнинг ишончли аъзоси, деб кўп марталаб айтди. Хунтанинг раҳбарлари «Биз ҳокимиятни фақат Греция учунгина эмас, шу билан бирга НАТОнинг шарқий қанотини мустаҳкамлаш учун ҳам ўз қўлимизга олганмиз» дейишяпти. Ҳақиқатан ҳам Грециянинг қуролли кучлари амалда НАТОга тўла равишда бўйсундирилган. Бу қуролли кучлар ҳар доим Атлантик блокининг ҳарбий маневрларида қатнашмоқда, шу билан бирга Афина ҳукмронлари шу маневрларни ўтказиш учун мамлакат территориясини НАТО ихтиёрига икки қўллаб топшириб қўймоқдалар. Бу йил Америка, Ғарбий Германия ва НАТО блокининг аъзоси бўлган бошқа мамлакатларнинг солдатлари НАТОнинг Грецняда «Олимпик экспресс» деган махфий ном остида ўтказилган ҳарбий машқда қатнашди. «Триумф» деган ном остида ўтказилган ҳарбий денгиз маневрлари вақтида НАТО кемалари Греция сувларида жавлон урди. —6-Америка флотининг кемалари ҳар доим Грецня портларидан фойдаланмоқда. Грециянинг Крит оролидаги НАТОнинг машқ полигони ва ракета-ядро базаси жойлашган. «Европадаги НАТО қуролли кучларининг қўмондонлиги Крит оролининг Атлантика блокининг Ўрта денгиздаги энг катта авиация базаси деб ҳисобланишга катта аҳамият бераётир» деб ёзди Брюсселдаги «Пепль» газетаси.

Додеканес оролларида НАТОнинг яна бир ҳарбий ҳаво базаси қурилмоқда. Грециядаги «Эстиа» газетаси очиқдан-очиқ бундай деб ёзди: Греция АҚШнинг ишончига сазовор мамлакат бўлиб қолмоқда. Социал соҳада фойдаланишга мўлжаллаб қўйилган маблағларни сарфлаш лозим бўлиб қолган тақдирда ҳам барибир Греция шу маблағларни ишлатиб НАТО доирасида қуролланиш суръатларини жадаллаштиришга тайёр.

Ҳозирги диктатура рақибларига қарши курашда ўзининг таянчи бўлган полиция-жандарма аппаратини мустаҳкамлашга жуда катта маблағ сарфламоқда. Шу маблағларнинг анчагина қисми турмалар ва қамоқ лагерларини тағин ҳам кенгайтиришга ва сақлаб туришга, сонсиз-саноқсиз агентлар ва чақимчиларга ҳақ тўлашга сарф бўлмоқда. Грецня оқинқаси ходимларнинг сони тўхтовсиз кўпайтирилмоқда. Ҳарбий тўнтаришдан бери охранка сафига яна икки минг киши ишга олинди. Жазо органларининг вазифалари кенгайтирилмоқда. Режимнинг рақибларидан минг-минглаб кишилар қамаб қўйилди, ороллардаги қамоқ лагерларига сургун қилинди. Ҳарбий трибуналлар тўхтовсиз ишлаб, янгидан-янги шафқатсиз ҳукмлар чиқармоқда.

(ТАСС).

ФОЙДА КЕТИДАН ҚУВИБ

БОНН. Германия Федератив Республикасининг энг катта химия концернларидан бири бўлган «Басф» Лотин Америкаси мамлакатлари экономикасини қўлга олишга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. «Франкфуртер рундшау» газетасининг ёзишига қараганда «Баст» концерни «Лотин Америкаси мамлакатларига сарфлаётган ўзининг катта маблағларини 1975 йилгача 1 миллиард маркага етказиш тайёргарлигини кўрмоқда». Ҳозирги вақтда бу капитал маблағларнинг миқдори 120 миллион маркага етиб қолди.

Концерн хўжайинлари ўта кўп фойда олиш кетидан қувиб, Лотин Америкасидаги тўққизта мамлакатда бўлган ўзларининг 28 та заводларини реконструкция қилмоқдалар, шунингдек янги химия корхоналари қурмоқчилар. Бу тадбирлар «Басф»нинг Америка компанияларн рақибларини шу қитъадан қисиб чиқаришларига тағин ҳам кўпроқ ёрдам беради.

(ТАСС).



Вьетнам Демократик Республикасининг демилитаризацнялаштирилган зонаси бевосита 17 парал лелга туташади.«Америка босқинчилари бу территорияни кўп ойлар мобайнида бомбардимон қилдилар. Зона аҳолиси ертўлаларда яшашга мажбур бўлди. АҚШ босқинчилари демилитаризациялашган зонани ҳозир ҳам бомбардимон қилишни давом эттирмоқдалар.

СУРАТДА: ўз ўзини ҳимоя қилиш отрядининг ёш жангчиси. Г. Шербаков фотоси, (АПН).



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Будапештдаги музика билим юрти республиканинг ёш талантларн тўпланган даргоҳга айланган.

«БИЗНИНГ ДЕМОКРАТИЯМИЗ ШУНДАЙ»

Даниэл Мойнихэн, АҚШ президентининг маслаҳатчиси:

«Америка зўравонлик асрига қадам қўйди. Умуман Америка тарихининг кам-дан-кам даврларидагина з ў р а в о н л и к бўлмаган. Лекин, менимча, бизнинг асримиз унга сифат жиҳатидан янги характер бахш этди: зўравонлик кундалик ҳаётимизга кириб келди, жамиятнинг ҳамма табақаларига сингиб кетди. Зўравонликни сўнгги далил, рақибини ишонтиришнинг самарали воситаси деб биладилар. Жамиятнинг эътиборли аъзолари ҳам, жамият сарқитлари ҳам зўравонлик ишлатадилар.

...Мамлакатик қамраб олган ишончсизлик шароитида зўравонликни тарғиб қилиш ва зўравонликнинг ўзи, яъни оддий жиноятлар, уюшқоқлик билан қилинган жиноятлар, ниҳоят америкаликлар бошқа мамлакатларда мисли кўрилмаган қўламда қилаётган жиноятлар кенгайиб бормоқда».

Герман Толмэдж, АҚШ сенатори:

«Жиноятчилик, умуман қонунларни ҳурмат қилмаслик, гражданларнинг бир-биридан ўч олиши, бегуноҳ кишиларни ҳимоя қила олмайдиган судлар — Американи тинимсиз азоблаб келаётган фактерлар ана шулардир. Бизнинг гражданларимиз Америка давлатининг бутун тарихидагига нисбатан ҳам мураккаброқ, қийинроқ ва хавфлироқ шароитда яшамоқдалар».

Фред Гаррис, АҚШ сенатори:

«Тобора кучайиб бораётган табақаланиш ва Америка жамиятининг тарқоқлиги мамлакатни граждалар уруши давридан кейинги энг катта инқироз сари етаклаётир».

Фред Кук, социолог (АҚШ):

«Ҳозирги замон Америка жамияти пул этикага айланган, биз амал қиладиган ахлоқ ўзимиз тарғиб қиладиган ахлоқнинг бутунлай тескарисига айланган жамиятдир».

(АПН).

Бир хат изидан

15.000 ШИКОЯТ

Кишиларимизнинг турмуш даражаси тобора яхшиланиб, фаровонлашиб боряпти. Улар тўқ ва бадавлат яшамоқда. Эндиликда ҳаётимизни электр чироғисиз, радио ва телевизорсиз тасаввур қилолмаймиз. Алмисоқдан қолган жинчироқлар ўрнини кишининг дилини ҳам, уйини ҳам нурафшон қилувчи лампочкалар эгаллади. Рўзғоримизга кирювчи машинаси, пилесос, холодильник, электр самовар кириб келди... Бироқ, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, шаҳримиздаги кўпгина хонадонлар ҳар эҳтимолга деб уйларида лампа ва керосин сақламоқдалар. Бу гап кўпроқ Октябрь районидаги хонадонларга тааллуқлидир. Бирор кун йўқки, район маҳаллаларининг ҳаммасида чироқ ёнган бўлсин. Албатта бир ишкали чиқиб туради.

Редакциямизга шу хусусда кўплаб шикоят мактублари келиб турибди. Шу мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«Ҳурматли редакция, — деб ёзади «Ленинчи» маҳалласида истиқомат қилувчи бир группа хонадонлар, — чироқ ўчишидан жуда безор бўлиб кетдик. Кунора чироғимиз ўчади-қолади. Бу ҳақда район электр тармоқлари идорасига мурожаат қилавериб чарчадик. Тўғри, монтерлар келиб, чироқни тузатган бўлишади. Бироқ бир кун ўтар-ўтмас яна эски ҳаммом эски тос. Шуни ҳам айтайликки, маҳалламиздаги кўпгина хонадонлар ўтган янги йилни лампада кутиб олишди. Ўшандаги дилимизнинг ҳуфтон бўлганини айтсангиз.. Ҳуллас, жуда чарчадик. Район электр тармоқлари идорасидаги хизматчилар афтидан халққа хизмат олий ҳиммат эканлигини унутишганга ўхшайди. Акс ҳолда аҳолини бунчалик ранжитмаган бўлишарди..»

Биз шу хат билан маҳалладага бордик. Маҳалла аҳли қоғозга туширилмаган дилдаги бошқа гапларни ҳам бизга айтиб беришди. Баъзи хонадонларда ўтган ҳафтанинг ўзида 4 марта чироқ бўлмаган.

Райондаги бошқа маҳаллаларда ҳам аҳвол шундай.

Биз Октябрь район электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи М. Гафуров билан суҳбатлашдик.

— Дарҳақиқат шикоятчилар кўп, —дейди у.— Ишимизда камчиликлар ҳам бор. Бунга асосий сабаблардан бири ишчи кучининг етишмаслиги. Эскирган линиялар анчагина, қийшайган симёғочлар ҳам етарли. Бундан ташқари, қурилиш ташкилотлари ҳам кабелларни узиб, ишимизни қўпайтиришяпти. Тўғри, улар бунинг учун жарима тўлашади. Аммо гап жаримада эмас.

— Аҳолидан тушган илтимослар вақтида бажариладими?

Бошлиқ бироз ўйланиб қолди ва сўзида давом этди:

— Нима десам экан, ҳар ҳолда ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламиз. Бироқ заявканн вақтида бажармаган ҳолларимиз ҳам кўп бўлиб туради. Биласизми, районимиз электрчиларининг бажарадиган иш кўлами кўп. Шунинг учун улгуриш қийин...

Бошлиқнинг бу гапи бизни қаноатлантирмади. Дарҳақиқат, корхонада аҳолининг талаб ва истакларини ўз вақтида бажариш учун етарли куч бор. Ҳамма гап масъулиятда қолган.

Корхонада 80 дан ортиқ ишчи, инженер-техника ходим ишлайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўз зиммасидаги топшириқни халоллаб бажарянти деб бўлмайди.

Монтерларнинг илтимоснома берилгандан сўнг 2-3 кун ўтгач хонадонларга бориши олат тусига кириб қолган. Заявка қабул қилувчилар эса «Монтер боради» деган ваъдани қуюқ беришади.

Шунинг учун район маҳаллалари ва кварталлари аҳолисини электр билан таъминлашда бундай нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Чилонзор ва Кўкча Оқтепаси, «Бешқайрагоч» массиви, «Иттифоқ», «Қўштут», Свердлов номли, «Ленинчи» ва бошқа маҳалла аҳолисидан шикоят устига шикоят келишининг боиси ҳам ваъда устига ваъда бўлиши, ёхуд монтерларнинг ишни чалакам чатти қилишидир.

Корхонада таълим-тарбия ишлари ҳам дуруст эмас. Яқинда хизматчилар электр монтер К. Кадриевнинг ахлоқини муҳокама қилдилар. Ароққа руҳуш қилган Кадриев ҳушёрхона «меҳмони» бўлди. Шундай бўлгач, бажариладиган ишнинг сифати ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Корхона таълим-тарбияга бағишлаб бирор марта йиғилиш ўтказилмагандан кейин нима бўларди. Бу — ҳудди шундай кўнгилсиз воқеага олиб келади.

Яхши муомала-яхши! Гарчи кишининг иши битмаса ҳам унга яхши муомала қилинса қўнгилга оғир ботмайди. Лекин, корхонанинг кўпгина ишчилари телефон орқали ҳам, юзма-юз ҳам кишиларга қўпол муомалада бўлишади. Диспетчер Абдурасул Тўраев шулардан бири. Кирган кишига албатта қўполлик қилади. Афтидан у ҳали кишилар билан қандай муомала қилиш лозимлигини ўрганмабди.

Биз ўтган йили хонадонлардан тушган шикоят дафтарини варақладик. Бир йилда 15000 дан ортиқ шикоят тушибди. Бу — кунига ўртача 50 хонадондан шикоят тушди деган сўздир. 15000 шикоят — бу — 15 минг ваъда демакдир. Ахир ваъда билан чироқ ёнмайдику!

Бу йилги аҳвол бундан ҳам баттар. Бунга бошлиқнинг ўзи ҳам иқрор бўлди. У шаҳримизда қўллаб қаттиқ шамоллар эсганини баҳона қилиб келтирди. Шу кунгача 13 мингдан ортиқ шикоят тушибди. Наҳот бундай шикоятлар тушишига олиб келувчи камчиликларни олдиндан бартараф қилиб бўлмаса?!

Халққа хизмат — олий ҳимматдейдилар. Аҳолининг кун сайин ортиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда, хотин-қизларнинг оғир ишини енгиллаштириш ва турмуш маданиятини яхшилашда электр энергияси билан таъминловчи ташкилотлар зиммасига катта ва шарафли масъулият юкланган. Ишчиларнинг иш унумдорлиги, ҳар бир меҳнаткашнинг кайфияти яхши бўлишига ҳам улар бевосита катта ҳисса қўшадилар. Шундай экан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан амалий жавоб бериш лозим.

Октябрь район электр тармоқлари корхонаси ходимлари ҳам ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини яхшилашлари, аҳолининг ҳақли талабларини ўз вақтида, сифатли бажаришлари, кишиларга нисбатан ширинсуханлик билан муомала қилишлари керак. Ана шундагина халқ уларга раҳмат дейди!

Ҳ. ҲАКИМОВ,
С. ЁҚУБОВ
«Тошкент оқшоми»нинг мухбирлари.

НОЯБРЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи»

«Шарқ юлдузи» журналининг 11-сони Ғайратийнинг «Лабиҳовуз тўлқинида нур» достони билан очилади. Журналхонлар бу сафар Ж. Шариповнинг «Хоразм» романининг иккинчи китобидан бобларни, Маяковскийнинг «Владимир Ильич», Т. Тўланинг «Коммунизм — кун тартибида» шеърларини ўқишлари мумкин.

«Қардошлар адабиётидан» рубрикаси остида О. Ганчарнинг «Ҳаёт навоси» романидан новеллалар эълон қилинган. Шунингдек, сиз адабиётимизнинг кенжа авлодига мансуб бўлган М. Бобоев, М. Жалил, А. Қорабоев, Ҳ. Шарофхўжаева, А. Шер, А. Носиров, Р. Толипов, Ш. Туроб, Т. Убайдуллаевларнинг янги шеърлари билан танишишингиз мумкин. «Ҳашар» қиссанинг 11-китомасини А. Эшонов ёзган.

«Санъат», «Ҳаёт ва ёзувчилик маҳорати», «Танқид ва адабиётшунослик», «Йиллар, фактлар, воқеалар», «Гулқайчин» сарлавҳалари остида қизиқ-қизиқ материаллар бор.



М. Громнко ишлаган плакат.

ҒАЙРАТИЙ



(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Асрларнинг ғам-ғуссасини
Эй, кўксига сиғдирган шаҳар,
Мазлум халқнинг дард-
қиссасини
Сўйла энди қуёшнинг балқар.
Ер — сув бутун бегоналарда,
Ҳукм сурди сенда асорат,
Халқ ялангоч, вайроналарда
Бор-йўқлари таланган, ғорат.
Сулув қизлар асир, канизак,
Айрилганлар севган ёридан.
Сурма эмас, қонлидир киприк,
Мунг оқади ўксиз торидан.
Олтин—кумуш бунда ҳукмрон,
Оч — гадолар ҳарён дарбадар.
Зулм — ваҳшат эзар беомон,
Ишсизлар кўп, кезар кеч,
саҳар.
Мармар Лабиҳовуз лабида
Ташналикдан ўлганлар қатор.
Куйиб ёнар сув талабида.
Сувга сероб яшил бу диёр.
Ҳарён қақроқ, ёнмоқда оташ,
Ловиллайди ғазаб-аланга.
Ҳақ-ҳуқуқ деб бошланган
кураш
Ўти ўрлар яна баландга.
Изтиробда букун кўҳна юрт,
Инқилобнинг қуёши шуъла,—
Сочди, бойлар тушига тобут —
Кирмоқдадир, ҳарён ғулғула.
Ҳафта бўлди Когонда ҳаёт
Қайнамоқда қозондай гўё.
Замбараклар ёзгандай қаҳот,
Курашга шай Қизил Армия,
Бухоронинг нураган юксак
Деворлари тумандан аранг —
Кўринади, узоқларда арк,
Сарбозлар кўп, маъюс, ҳоли
танг.
Кунлар иссиқ, ёқимсиз ҳаво,
Самуи каби қуритар тинка.
Ҳарбий штаб олдида пайдо —
Бўлди бирдан икки қўланка.
Келувчилар кирди ичкари
Соқчиларга кўрсатгач ҳужжат.
Фрунзенинг бундан хабари —
Бўлмиш, булар бердилар бир
хат.
Фрунзенинг хатига амир
Ғазаб билан ёзмишдир жавоб:
«Бухоро деб бўлманг кўп
дилгир,
Бизни дея чекманглз азоб.
Дўст бўлиш йўқ сиз билан
асло,
Инглизлар бизга қадрдон.
Ташвишимиз чекиб доимо,
Уйимизнинг тўрида меҳмон.
Мустақиллик шулар қўлида,
Қилур бизни доим ҳимоя.
Фидойимиз диннинг йўлида,
Шарнатдур биз севган ғоя.
Талабингиз бизларга кетмас,
Ғамхўр бўлманг, жаноб
қўмондон.
Бухорога қўлингиз етмас,
Биз ўзимиз озод ва омон».

● ЁШЛАР ИЖОДИДАН

ҚИЗЛАРГА ҲАЗИЛ

Кўзларида макрдан сурма
Лабларда табассум бўёғи.
Бошларида жумбоқли тўрмак,
Қалбларда муҳаббат булоғи.
Кимнидир кўз остига олиб
Найранг билан ханда қилади.
Сувдан олиб сўнг ўтга солиб
Охир уни банди қилади.
Сўнг тошса ҳам ҳислар тошқини,
Тутёлар қилса ҳам юраги.
Гўёки тан олмай ишқини,
Кўйида куйдириб юради.
Бош қўяди йиғит кўксига
Итоаткор сўлим доладек.
Сўнгра эса, уни ўзига
Итоаткор қилиб олади.
Бахш этади ширин туйғулар,
Ғазаби ҳам ширин бўлади.
Ширин бўлиб алдайди улар,
Ширин бўлиб зулм қилади.

Машраб БОБОЕВ.

Қўй, мени алдама, ширин хаёлим,
Олиб чиқма мени осмон-фалакка.
Ҳали одамларга кўндир саволим,
Дўстсиз ва душмансиз нетаман
якка.
Ерда яшамоқни билмасдан туриб,
Тикилишди батма-бет
жиддий.
Бирин
мингашгандир қорни
қоринга.
Бири
адлкомат, қоятошдай қурч.
Эгадир у
миллион — миллион
қавмига,
тоғдай мускулда
тог йиққудай куч.
Энди ўқларимиз кетмагай
хато,
биламиз
ғанимлар, ёвлар кимлигин.
Энди
оёқлар ҳам билади ҳатто,
топтаб ўтганини
кимниг ўлгин.
Шубҳага, дод-войга энди
ўрин йўқ,
Йўқол, ҳей «шошмайлик»
дегувчи кимсан!
Қўллар
бирдай
кимни мўлжаллаб аниқ
ажал ёмғирида қилмоқни
гумдон.
Қай юртдаки кўнка олов
отилар,
қайдаки
боғлашган халқларнинг
қўлин,
ўша жойда бир ном
бомбадай портлар,
Ленин!
Ленин!
Ленин!
Юбилярин*
елпиб қўймоқ имкони —
елпигич эмасдир шеърим,
мадҳиям.
Ленинда
кўраман жаҳон имонин,
ва
шарафлайман ўз
имонимни ҳам.
Куйлолмасам
РКП кўкида балқиган
беш бурчак юлдузнинг
салобатин.
қилар эдим
ўзим ўзимни талқон,
Бошқа қўяр эдим шоир
отимни!

Юсуф ШОМАНСУР
таржимаси.

* Шоирнинг бу шеъри 1920 йилда В. И. Ленин 50 ёшга тўлган вақтда ёзилган.

(Ред).

ҚАЗОН

Чирт этиб шоҳидан узилди ҳазон,
Чирпирак бўлди-ю, учди йироққа.
Дарахт ўз фарзандин
йўқотгансимон
Безовта шовиллаб тушди титроққа.
Еллар айласада вужудин кукун,
Олиб кетолмади уни йироққа.
Қайтдию дарахтин ёнига меҳзуи
Аста бошин қўйди она тупроққа.

Ҳафиза ШАРОФХЎЖАЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН КУЗИ

Япроқларда олтиннинг ранги,
Ҳазон эмас, ёркин бу ранглар.
Мунча нафис кузнинг оҳанги,
Хазин эмас, ёркин оҳанглар.
Пахтазорда юлдузлар акси —
Ғўзаларга илинниб қолмиш.
Қуёш рангли дарахтлар рақси
Улуғ тўйдан юртга жар солмиш.
Бахт ҳақида қўшиқлар учар —
Қанотларн оппоқ пахтадан.
Пок меҳридан оқ шоҳи бичар —
Она халқим, кийсин, деб Ватан.

Абдулла ШЕР.

В. В. МАЯКОВСКИЙ

ВЛАДИМИРИЛЬИЧ

Биламан,
етмагай ботирлар кучи
инқилоб вулқонин
қўзғатмоққа ҳеч.
Афсонавий мардлар
змёли тушн...
Куйлаш,
шарафлашга
лойиқдир Ильич!
Бош бўлмаса,
оёқ маънисиз тамом,
мияснз
қўлларнинг йўқдир ҳожати.
Гандираб, сандираб қолди
ҳар томон
дунёнинг калласиз, қуруқ
жасади.
Бизни
сотишарди тилим-тилимлаб,
уруш фарёдидан кўкларда
тутун.
Дунё бўйлаб
Келар эди одимлаб
шу чоқ Ленин,
Улкан калласи бутун
Шунда
ер меҳвари тушди ўрнига,
муаммоларни бор,—
кўрнинг оддий.
икки куч
тўғрилаб бурнин бурнига
тўқнашди.

* Шоирнинг бу шеъри 1920 йилда В. И. Ленин 50 ёшга тўлган вақтда ёзилган.

(Ред).

ЭКРАНДА — ДОҲИЙ ОБРАЗИ

КИНО КИНО КИНО

САЙЁР.

БИР БОР ЭКАН...

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Сайёр болаларга бағишлаб «Бир бор экан...» деган қисса ёзди. Бунда Бахтиёр исмли бир қишлоқ боласининг саргузаштларн ҳикоя қилинади.

Қуйида шу қиссадан парча ўқийсиз.

Бир бор экан, бир йўқ экан... Тошкентдан янгиюл чақирим нарида Захарик деган шовулаб оқиб ётган катта сой бўйида Гиштқўприк деган қишлоқ бор экан. Унда кўплар қатори бир Бахтиёр деган бола яшар экан.

Эшитмадим деманглар...

Бахтиёр «узум ғўраларига маза кирдимикан», деб ўзлари нинг боғларида ишком оралаб ҳар бошдан чўқилаб юрса бир нарса «пат» этиб сакрабди, Бахтиёр чўчиб тушибди. Ишком бошига қочибди. Кейин кулгуси қистаб, «нега қочдим», дебди ўзига-ўзи. Изига қайтибди. Кўзи тўрт бўлиб атрофга аланглабди. «Нима экан-а?» деб қизиқа бошлабди. Боягн жойга етганида бир нарса яна «пат» этиб сакрабди. «Бедана бўлмасин,» деб кўнглидан ўтказибди Бахтиёр. Дўпписини қўлга олиб, беданани босмоқчи бўлиб оёқ учида аста қадам ташлабди. Кўрса... давангидай заҳча... қоп-қорайиб бир ёнга ёнбошлаб, бир қанотини ёзиб қочишга уринар эмиш. «О бечора, бир нима бўлгандир», дебди Бахтиёр. Кейин чўчитиб юбормаслик учун писибгина яқин борибди. Заҳча яна бир интилибди, яна уринибди. Қайтага ҳолдан кетиб, тумшуғини очиб, нафаа тилларини кўрсатибди. Тақдирига тан бергандай мунчоқ кўзларини лўқ қилиб, қимир этмай ёта бернбди. «Ўлиб қолмаса кошки эди», ачиниб кўнглидан ўтказибди Бахтиёр. Заҳчанинг нақ тепасига бориб қараса, бечоранинг бир оёғи синиб ётган экан. «Энди нима қилдим, бечорани бирор мушук еб кетади-ю», деб ҳавотирланибди у. Кўтариб ишкомдан чиқа бошлабди. «Оёғини тузатса бўлармикан?» ўйлабди йўл йўлакай... Касалхонага олиб борсаммикан!».

Бирдан қўшни доктор, Манзура опоқи эсига тушибди. Даканг хўрози қўшнининг хўрози билан ташашиб қолганда, қопқора қонга бўялганда, Манзура опоқи «маргансоф» мйёй, бир нарса сиёқ, билан бўпиларини артиб тузатиб юборган эдиларку?!»

Бахтиёр заҳчани кўтарганича Манзура опоқисининкига югурибди. Ҳаллослаб эшикдан кириб келганда Манзура опоқи си:

— Хой болам, тинчликми? Мунча ўпкангни кўлтиқламасанг? —дебди

— Опоқижон, мана кўринг нима?

Бахтиёр заҳчани опоқисига узатибди. Манзура опоқи дарров чизимча билан заҳчанинг қанотларини боғлабди.

— Она товуқдай келади-я, жониворг, — деб минғиллаб хонасига кириб кетибди. Бахтиёр заҳчанинг тепасида: «опоқим нима қилар экан?» дея пойлаб тураверибди.

Бир маҳал Манзура опоқи лпиллаганича хонадан чиқиб келибди, қўлида дори — дармон, бинт. Бир хил сариқ дори суртиб, бурни устига қўш кўзойнакни қўндириб: «тек тур парандагина» дея ишга киришибди. Заҳча оёғининг синган жойини бир-бирига жуфтлабди. Сўнгра Бахтиёрга:

— Авқайма, болам. Менга қараш, бинтни олиб бер. Манави пахтага зиғир ёғ шимдир. Анави ёғ тўла шишанинг ғзини пахта бўлагини тут. Оғзини энгаштир, ўзи шимади. Тезроқ бўл, болажоним. Бечоранинг жони қақшаб тургандир; дер экан опоқи ва чаққонлик билан Бахтиёрга буюрилган ишнинг ҳаммасини ўзи қилар экан. Бахтиёр заҳчанинг синган оёғини тутиб турибди. Манзура опоқи яхшилаб боғлабди. Ҳовузчадан балчиқ олиб келиб бинт устидан суркабди:

— Тарашадек қотиради қўяди, — дебди балчиқ қўлларини сидирар экан опоқи.

— Энди заҳчани кўтариб анави ҳовузча ёнига олиб бор. Заҳга қўй. Қара бечорани, тилини чиқариб, тумшуғини ҳа деб очаяпти. Сув бер, болажон, сув бер!

Бахтиёр сув беришга шай бўлса ҳам аммо қандоқ қилиб ичиришни билмай анқайибди.

— Бир сиқим пахтани сувга ботир, сўнгра заҳчанинг оғзига олиб бор, пахтани сиқ, сув томчилайди. Заҳча сув ичади, — дебди опоқи дона-дона қилиб.

Бахтиёр шундоқ қилган экан, заҳча сув ютибди. Сув ютиши ҳудди товуқникига ўҳшар экан. «Ажабо, заҳча чўчимай қолдими, ё қаноти боғлиқлигига жим ётибдими? Бахтиёр орқасига қараса Манзура опоқиси ёғоч йўнаётган эмиш.

— Опоқижон, нима қилаяпсиз? — сўрабди Бахтиёр.

Тахтакач, болажоним, тахтакач! — дебди опоқижони қўш кўзойнак остидан қиё боқканча Бахтиёрга меҳр билан тикилиб. — Ҳозир қушнинг оёғига боғлаймиз. Бўлмаса оёғини оёғи билан тепиб, қайта синдириб қўяди, — тушунтирибди опоқиси.

Бахтиёр мамнун жилмайибди:

Опоқижон раҳмат сизга — деб юборипти.

— Вой, айланий, болажонимдан, сенга раҳмат. Жониворни аясанг яхши одам бўласан. Бўйларингга қоқиндиқ.

Манзура опоқи ўзича гапириб қамишнинг ярим палласидек қилиб ёғочни йўнибди. Бахтиёр Манзура опоқиси ёнгинасида тик турганча жим кузатибди. Кейин опоқиси ўрнидан туриб, заҳчанинг тепасига борибди. Заҳча бир чўчиб талпинибди. Ўрнидан тураман, деб интилибди. Бахтиёр бўлса, яна оёғини синдириб қўймасин деб заҳчага ташланиб, оёғини маҳкам ушлабди.

—Кўзли кесак бўлиб жим ётавер, жонивор. Тек ётганинг ўзингга фойда!--деб кўрсатгич бармоғини бигиз қилибди Манзура опоқи.

Опоқи Бахтиёрга шивирлабди:

— Менга қара, болажоним, мана бу ёғидан тутиб тур, — дебди у заҳчанинг оёғини кўрсатиб. Бахтиёр заҳчанинг бир оёғини нари суриб турибди. Опоқи йўнган тахтасини заҳча оёғига ўлчаб кўриб. Бир томонини яна сал такислабди. Кейин заҳчанинг тиззаси устида, икки томонидан тахта қўйибди. Тут новдасидан қирқиб келиб, терисини шилиб қўйган экан. Тахта устидан уни ўрабди. Маҳкам боғлабди.

— Ана энди тузалиб кетар, — дебди иш тамом деган оҳангда.

Бахтиёр анқайганча, нима қиларини билмай опоқисига термилиб тураверибди. Опоқиси унга қараб:

— Ўн-ўн беш кун заҳча шу ерда турсин. Ўзим қарай. Тузалиб оёқ қўя бошлаганда олиб кетасан. Чиқиб хабар олиб турарсан, — дебди.

Бахтиёр бўлса:

— Опоқи. бу заҳча нима овқат ейди? — деб сўрабди.

— Дон-дун ейди, болам. Чигиртка, ҳашарот ейди.

Бахтиёр излаган нарсасини топган одамдай қувониб кўчага отилибди.

Заҳча воқеаси бутун қишлоқца ёйилиб кетди.

Манзура опоқиникига болаларнинг қатнови узилмайди. Яхши ҳам таътил маҳали, бўлмаса опоқи болалар саволига жавоб бераман деб озғи оғриб, калласи шишар экан.

Шундоқ бўлса ҳам болалардан тинчлик йўқ. Дарвоза бошида чуғурчуқдай тўпланишади. Саф-саф бўлиб заҳчани кўргани киришади. Бахтиёр бўлса туғилган кунини байрам қилаётган боладай озғи қулоғида. Худди пионер вожатийга ўхшаб:

— Сен ундоқ тур, сен бундоқ тур, — деб болаларни тартибга чақиргани чақирган.

Орадан ўн кўн ўтганда заҳча оёққа турди. Панжаларини кенг ёзиб бир оёққа таянб, иккинчи оёғини аввайлабгина босадиган бўлди. Икки-уч қадамча юради ҳам. Манзура опоқи яқин борса ё Бахтиёр яқинлашса, дон берса, нон упоқ берса қоп-қора кўзларини тикиб, жимгина туриб чўқий бошлайди. Бошқа болалар яқинлашудек бўлса борми, чўчиб, қанотини ҳуркайтиради. Ғалати товуш чиқариб ортига тисарилади. Шунда Бахтиёр:

— Хой болалар, яқинлашма! Қўрқиб кетиб, яна оёғини синдириб қўймасин, дейди. Манзура опоқисига ўхшатиб.

Болалар Бахтиёрнинг ҳамма айтганини қилишади.

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Заҳча бемалол юрадиган бўлиб қолди. Энди у Бахтиёрга эргашадиган Бахтиёр узоқ кетса, дебсиниб қанотини силкийдиган, Бахтиёрни кўрган замони эса сакраб-сакраб енгинасига келиб турадиган одат чиқарибди. Бахтиёр бундан бенихоя ҳурсанд.

— Менинг заҳчам, — деб оғзининг таноби қочгани-қочган. Унга сари заҳчаси эркалик қилиб унга суркалади. Бахтиёр ҳам заҳчасининг қанотларини силайди, эркалайди.

Бахтиёр заҳча боққани Манзура опоқисининкига кириб-чиқиб юриб билса, опоқиси кўпинча ёлғиз қолар экан. Амаки колхознинг катта боғига қоровул. Уйига кам келар экан, опоқининг болалари эса Тошкентда яшашади, ўқишади. Фақат шанба, якшанба куни пайдо бўлишади. Опоқи томорқасини асосан ўзи ишлаб, ўзи сув қуяр экан. «Тўхта», дебди Бахтиёр бошини қашиб. Атрофига мактаб боғида дам олаётган синфдошлари Али, Вали, Нодир, Зарифаларни тўплабди. Отряд вожатийлари Зулфи опаларининг уйига қидириб боришибди.

— Зулфи опа-чи, Зулфи опа. Биз дам олиш билан бирга пенсионер Манзура опоқимизга қарашсак, нима дейсиз? — дебди Бахтиёр.

— Жуда яхши бўлади! — дебди опалари саккизинчи синф ўқувчиси Зулфи Асадова.

Фақат бу ташаббусни бир оғлагина эмас, бутун қишлоққа сафарбар этайлик! Мен мактаб директоримиз Маннон акага маслаҳат солай бўлмаса!

Бу гап болаларга ҳам, катталарга ҳам маъқул бўлибди. Шундан кейин болалар бутун қишлоқни айланиб, ёлғиз яшайдиган пенсионерларнинг рўйхатини олишибди. Унча кўп эмас экан. Бор йўғи саккиз кампир, уч қария экан. Болалар ўзаро бўлишиб олишибди. Кун тартиби тузишибди.

Биринчи: Эрта билан кириб хабар олиш. Сигир-бузоқ бўлса, подага қўшишга ёрдам бериш.

Иккинчи: Тушда, мактабдан қайтиб ҳабар олиш. Сувларини ташиб бериш, уй ишларига қарашиш. Харид қилинадиган нарсаларини олиб келиб бериш.

— Ўтинларини ёриб бериш деган модда ҳам қўшилсин, — дебди Вали гапга аралашиб.

— Ҳаммаёқ газ-ку, — дебди Бахтиёр «қўйсангчи» дегандек қўл силкиб:

— Хури буви газдан қўрқиб ўчоқда овқат қилар эканлар, ўзлари айтадилар, — деди Вали бўш келмай бир оз зарда билан.

— Бўлмаса, Валига топширинг. Хури холанинг газини ёқиб, ўчириб бериб турсин, — деди Али.

Ҳамма болалар қулишди. Зулфи опа гапга аралашди:

— Валижон Хури холани газдан чўчимасликка ўргатсин!

— Ёз,—деди Бахтиёр, Зарифанинг хатига тикилар экан. Зарифа ҳам ёза бошлаган эди Вали эътироз билдирди:

— Буни ёзмасанглар ҳам бўлади, ўзим икки уч кунда эплаб ташлайман.

— Менда таклиф бор, — деди Нодир юзига жиддий тус олиб.

— Қани, қани, — деди Зулфи опа.

Нодир аста гапирди.

— Қизлардан кўпроқ қўшимиз керак сафимизга.

— Ҳўш нега энди? —дейишди болалардан бир — иккитаси, баробар Нодирага ҳайрон тикилиб


— Негаки, — жонларди Нодир, — кампирларнинг икир-чикир, тикиш ишлари, супир сидирлари бўлади.

— Буни нега ўғил болалар эплолмас экан? — эътироз билдирди Зулфи опа.

— Ҳар ҳолда.. — дейиманда, — деди Нодир ва гапим тамом дегандек скамейкага ўтирди.

— Бу ишни бошлашдан мақсадимиз, ҳамма нарсани ўзимиз уддя қилайлик, ўрганайлик деганимиз. Қиз бола, ўғил бола деб айримачилик қилмаймиз. Ҳамма ишни биладиган одамни кўли гул дейишади. Шунақа бўлайлик, — деди Зулфи опалари.

Кун тартибини тузиб олишгандан сўнг мактаб боғидан чиқиб, ҳамма уй-уйига тарқалди.



Шимолий Кавказда Зеленчук станицаси районида СССР Фанлар Академиясининг астрофизика обсерваторияси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқ да. Ҳозир бу ерда БТА — қудратли совет оптик телескопи ўрн атилмоқда.

СУРАТДА: обсерватория қур илишида.

Л. Мяконько фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Улуғбекнинг сўнгги кунлари

САМАРҚАНД. Ўрта аср Шарқининг машҳур мунажжими ва математик олими Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394—1449) ҳалок қилинганлигига доир янги далиллар аниқланди. Улуғбек классик астрономик асар «Зижи жадиди кўрагоний» («Янги астрономик жадваллар») нинг муаллифидир. Маълумки, Улуғбек коинотни тадқиқот қилганлиги учун кофирликда айбланиб, Мовароуннаҳрнинг пой тахти Самарқанддан қувилган эди. Улуғбек Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда узоқ вақт ҳукмронлик қилгач ҳажга кетаётган пайтда ўлдирилган эди. Улуғбек қўшинлари отасининг тахтига даъвогар бўлган ўз ўғли Абдуллатиф бошлиқ исёнчилар билан жанг қилган эди. Ана шу жанг қачон бўлганлиги, шунингдек, Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунлари аниқланмаган эди.

Самарқандлик олим Абухафса Умар ибн Муҳаммад Аппасифий-нинг «Матла ан-нужум ва мажа ал улум» («Юлдузларнинг чиқиш жойи ва фан мажмуи») деган китоби топилдики, унинг саҳифаларидан биридаги қисқача ёзув Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунларини аниқлаш имконини берди. Бу китоб Улуғбек таваллудидан ўттиз йил аввал тузилган. Лекин бу китобга кейинчалик киритилган ва Ўзбекистон олимлари томонидан маъно с и аниқланган ёзув Улуғбек ҳаётининг сўнгги саккиз кунидаги қайгули манзарани очди. Тошкентлик тадқиқотчи Павел Булгаков ана шу жанг қилинган вақт 1449 йил 17 октябрь куни эканлигини шу ҳужжат асосида аниқлади.

Улуғбек ўз ҳаётининг сўнгги беш кунини Самарқандда, кейинчалик Шоҳрухияда исёнчилардан яширинишга беҳуда уриниб ўтказган. Қолган уч куни Маккага жўнаш учун тайёргарлик кўриш ва жўнаб кетишга сарфлаган. Маълум бўлишича, худди ана шу қолган уч кунда Абдуллатиф ғоят шошилинч равишда Улуғбекдан қонли ўч олиш ва уни ўлдиришга махфий равишда тайёргарлик кўрган. Мутаассиблар шундан кейин олим расадхонасини ҳам вайрон қилиб ташлаганлар.

Арабча хат таҳлил қилинганда унинг ёзилиш услубидан Улуғбек даврининг хаттотларига хос эканлиги аниқланди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бундай хатни ўша воқеанинг шоҳиди бўлган кишигина ёза олиши мумкин.

Ўзбекистонда атоқли мунажжимнинг хотираси сақланмоқда, унинг илмий мероси тўғрисида монографиялар нашр этилган. Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари ҳозир улкан секстанти билан топилган.

В. ПОПОНДОПУЛО.
(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

8 Декабрь

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ленинча меҳнат вахтасида» циклидан (русча). **18.10** Пятницкий номидаги хор рус халқ чолғу оркестрининг концерти. **19.20** Наманган область театри артистларининг концерти. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** Вальс концерти. **22.40** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). **23.15** «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Б. Гиенко. Тўртинчи квартет. **19.30** «А. Кольцов ва рус қўшиқлари» деган эшиттириш (русча). **20.00** Ленин ҳақида ҳикоялар (тожикча). **20.20** «Наво» мақомидан парчалар. **21.00** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. О. Ҳакимов. «Менинг пахтам» поэмасидан парча (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Уйғун. «Қалтис ҳазил» радиопостановкаси (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

8 Декабрь

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 Рус тилида: Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.15 Ўсмирлар учун. «Она Ватан» (учинчи эшиттириш).

Рус тилида: 18.45 Совет Армияси жангчилари учун. «Окоп қўшиқлари изидан». **19.15** Ёзувчилар ўз ҳақларимонлари ҳақида. **19.45** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19.55 Телевизион янгиликлар. **20.10** Чолғу куйларидан концерт. **20.50** «Пропагандист» программаси. **21.20** Телевизион театр. Т. Драйзер. «АМЕРИКА ФОЖИАСИ» Телеспектакль биринчи қисмининг премьераси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.55 Интервидение. Хоккей бўйича Москва халқаро турнири. СССР — ШВЕЦИЯ. Танаффус вақтларида янгиликлар ва «зангори экран» ҳафталиги. **01.50** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 10-синф ўқувчилари учун кимёдан. «Нефть ва ундан олинадиган маҳсулотлар» (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.30 10-синф ўқувчиларн учун кимёдан. «Нефть ва ундан олинадиган маҳсулотлар». **19.00** 9—10 синф ўқувчилари учун эстетика асосларидан. «Эстетик идеал». **19.35** 8—10 синф ўқувчилари учун физикадан. «Марказдан қочма механизмлар» ўқув фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55. Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** «Бир зум». «Дутор куйлари». Телеочерклар. **21.00** Интервидение. «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Беш йиллик йўлларидан. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Телевизион ҳужжатли фильм

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Душанба телестудиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 10 XII да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9[XII да **Бўрон қуши** 10[XII да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10 XII да **Фарғона тонг отгунча.**

Кино

8 ДЕКАБРДА

Қизлар монастири — «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бадавлат хоним ҳузурида — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6.8да).

Эски таниш — «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

9 ДЕКАБРДА

Қизлар монастири — «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Эски таниш — «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

18 декабрь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси, Студентлар шаҳарчаси, химия факультети кутубхонаси)да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

А. Е. Мартиросов: «Баъзи азобарикмаларнинг хоссаларини ўрганиш ва N метилнабазин-(альфа) — азо- диэтил-М—аминофенилни анализда қўлланиши» деган темада:

А. А. Ахметов: Хромдан ясалган электроднинг кулонометрик анализда ишлатилиши» деган темада

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

18 декабрь кундуз соат 3да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси. Студентлар шаҳарчаси, бош корпус, В—312 аудитория) да география фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Г. Е. Глазирин: «Ғарбий Тяньшан тоғларида қорнинг зичлигини ҳисоблаш методи» деган темада;

С. А. Исломов: «Қарши чўлида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштириш масалалари» деган темада

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4-уй) да танишиш мумкин.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

тез кунда

В. Н. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. ШАТРОВ.

„ОЛТИНЧИ ИЮЛЬ“

(2 қисмдан иборат драма)

К. ЯШИН. таржимаси

Асосий ролларда: **В. И. Ленин** — Ўзбекистон ССР халқ артисти З. МУҲАММАДЖОНОВ

Ф. Э. Дзержинский — СССР халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Н. РАҲИМОВ

Я. М. Свердлов — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. АҲМЕДОВ.

Саҳнага қўювчи — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати Т. ХЎЖАЕВ

Режиссёр — Х. М. КОЖЕВНИКОВ

Рассом — Г. БРИМ. **Композитор** — А. А. БЕРЛИН

ОКТЯБРЬ РАЙПРОМКОМБИНАТИГА

Ҳисоб-китоб ва моддий бўлим катта бухгалтерлари, аналитик ҳисоб тайёрлаш бўйича вақтинчалик ишга бухгалтерлар

КЕРАК

Вақтинчалик (2 ойлик) ишга бухгалтер-пенсионерлар ҳам қабул қилинишлари мумкин.

Иш ҳақи келишилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлими (42, 43. автобусларнинг «Чувалачи» бекати).

ТОШКЕНТ 1-ГИШТ ЗАВОДИ БОШҚАРМАСИГА

тахловчилар, олиб-қўювчилар, гишт терувчилар, автокарчилар, слесарлар, электромонтёрлар, бульдозерчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилалилар ўз навбатида квартира билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, генерал Петров кўчаси, 88-уй (3-трамвай, 30, 50-ав. тобусларнинг «7-Поликлиника» бекати).

А. НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

мактаб ўқувчилари учун каникул кунларида бўладиган спектакларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

КУНДУЗ	КЕЧҚУРУН
28 декабрь — ДОКТОР АЙБОЛИТ.	МАРВАРИД ИЗЛОВЧИЛАР.
29 декабрь — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.	ОҚҚУШ КУЛИ.
30 декабрь — ЭТИК КИЙГАН МУШУК.	РИГОЛЕТТО.
31 декабрь—СЕМУРГ.	МАСХАРАБОЗЛАР ВА КОНЦЕРТ БЎЛИМИ.
1 январь — ЯНГИ ЙИЛ КОНЦЕРТИ (кундуз ва кечқурун).	
2 январь — ДОКТОР АЙБОЛИТ.	СЕВИЛИЯ САРТОРОШИ.
3 январь — УЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК.	ТРУБАДУР.
4 январь — ОЛТИН КАЛИТЧА.	
5 январь — СЕВИЛЬЯ САРТОРОШИ.	СЕВГИ ТУМОРИ.
6 январь — СЕВГИ ТУМОРИ.	ЧИО-ЧИО-САН.
7 январь — СПАРТАК.	ТРАВИАТА.
8 январь — ЭТИК КИЙГАН МУШУК.	ТУЯ КУНИДА.
9 январь — ОҚҚУШ КУЛИ.	МАСХАРАБОЗЛАР ВА КОНЦЕРТ БЎЛИМИ.
10 январь — УЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК.	УН ИККИНЧИ ТУН.
11 январь — СПАРТАК.	ШОИР ҚАЛБИ.

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар 7 да бошланади.

Коллектив бўлиб келишга заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 8- ДЕКАБРЬ, 1969 й

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлим лари —33-27-03, ахборот бўлимн —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64579. НАШР 2921 Р. 03601.